

БЎЛАЖАК МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ПЕДАГОГЛАРИНИ ИННОВАЦИОН КАСБИЙ ФАОЛИЯТГА ТАЙЁРЛАШНИНГ ПЕДАГОГИК-ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

*Акрамов Абдумалик Абдумуталович,
Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети
“Педагогика” кафедраси доценти, педагогика фанлари доктори*

Ушбу мақолада бўлажак мактабгача таълим мутахассисларини инновацион касбий фаолиятга тайёрлаш жараёнининг ўзага хос педагогик, психологик хусусиятлари ҳақида фикр юритилган. Шунингдек, бўлажак мактабгача таълим мутахассисларини инновацион касбий фаолиятга тайёрлашда педагогик амалиёт, илгор тажрибалар ҳамда ота-оналар билан ҳамкорлик масалалари баён қилинган.

Калит сўзлар: мактабгача таълим, мактабгача таълим мутахассиси, инновацион касбий фаолият, педагогик амалиёт, компетенция, ижодий ёндашув, педагогик вазиятлар, илмий дунёқараш.

ПЕДАГОГО-ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ ПОДГОТОВКИ К ИННОВАЦИОННОЙ ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ БУДУЩИХ ПЕДАГОГОВ ДОШКОЛЬНОГО ОБРАЗОВАНИЯ

*Акрамов Абдумалик Абдумуталович
доцент кафедры «Педагогика» Ташкентского государственного
педагогического университета имени Низами, доктор педагогических наук*

Аннотация: В данной статье обсуждаются специфические педагогические, психологические особенности процесса подготовки будущих специалистов дошкольного образования к инновационной профессиональной деятельности. Также озвучены вопросы педагогической практики, передового опыта и сотрудничества с родителями в подготовке будущих специалистов дошкольного образования к инновационной профессиональной деятельности.

Ключевые слова: дошкольное образования, специалист дошкольного образования, инновационная профессиональная деятельность, педагогическая практика, компетенция, творческий подход, педагогические ситуации, научное мировоззрение.

PEDAGOGICAL AND PSYCHOLOGICAL FEATURES OF PREPARATION FOR INNOVATIVE PROFESSIONAL ACTIVITIES OF FUTURE TEACHERS OF PRESCHOOL EDUCATION

*Akramov Abdumalik Abdumutalovich
Associate professor of the Department of Pedagogy of the Tashkent State
Pedagogical University named after Nizami,
Doctor of Pedagogical Sciences*

Abstract: This article discusses the specific pedagogical, psychological features of the process of preparing future preschool education specialists for innovative professional activities. Issues of pedagogical practice, best practices and cooperation with parents in preparing future preschool education specialists for innovative professional activities were also voiced.

Key words: preschool education, specialist of preschool education, innovative professional activity, pedagogical practice, competence, creative approach, pedagogical situations, scientific worldview.

Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Тараққиёт стратегиясида “мактабгача таълим муассасалари тармоғини кенгайтириш ва ушбу муассасаларда болаларнинг ҳар томонлама интеллектуал, эстетик ва жисмоний ривожланиши учун шарт-шароитларни тубдан яхшилаш, болаларнинг мактабгача таълим билан қамраб олиншини жиддий ошириш ва фойдаланиш имкониятларини таъминлаш, педагог ва мутахассисларнинг малака даражасини юксалтириш” [1] каби йўналишлар белгиланиб, бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан мактабгача таълим тизимини ривожлантириш бўйича алоҳида дастур ишлаб чиқиш, ушбу тизимни бошқариш инфраструктурасини такомиллаштириш вазифаси қўйилиб, илмий-методик таъминотни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Республикаимиз ҳукумати мактабгача таълим олдига қўяётган вазифаларнинг аксарияти педагог-тарбиячиларнинг касбий маҳорати ва бошқарувчилик салоҳиятига боғлиқ. Бугунги кунда мактабгача таълим тизими олдига қўйилаётган мақсадларга эришиш, тарбияланувчиларнинг хилма-хил фаолиятини уюштириш, уларни билимли, одобли, эътиқодли, меҳнатсевар, баркамол инсон қилиб ўстириш педагог-тарбиячи зиммасига юклатилади. Шу сабабдан мактабгача таълим соҳасидаги ислохотларнинг бевосита давоми сифатида Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлигининг 2018 йил 7 июлдаги 4-сонли ҳайъат йиғилиши қарори билан мактабгача таълим муассасалари учун “Илк қадам” давлат ўқув дастури [2] тасдиқланган. Мактабгача таълим муассасасининг мазкур давлат ўқув дастури Ўзбекистон Республикасининг илк ва мактабгача ёшдаги болаларни ривожланишига қўйиладиган Давлат талабларига мувофиқ ишлаб чиқилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат бўлиб, унда мактабгача таълим муассасасининг мақсад ва вазифалари, ўқув-тарбиявий фаолиятнинг асосий ғоялари ифодаланган, шунингдек, болани таълимнинг кейинги босқичига ўтишидаги асосий компетенциялари белгиланган.

Бу ўз навбатида мактабгача таълим тизимида педагогик жараёнларни инновацион педагогик технологияларни қўллаган ҳолда ташкил этиш зарурлигини юзага келтиради. Бўлажак педагог-тарбиячиларни касбий-маънавий жиҳатдан тайёрлаш учун олий педагогик таълим жараёнида маърузалар, амалий ҳамда лаборатория машғулотларини ўтказиш, улар мазмунини янги ёндашувлар асосида бойитиш, шунингдек, педагогик амалиёт, маънавият кунлари ва соатларини такомиллашган дастурлар ёрдамида ташкил этиш тақозо қилинмоқда.

“Педагогика” энциклопедиясида “...инновацион фаолият янгилианишнинг ижодий томонини билдириб, мавжуд тафаккур ва ҳаёт тарзи, меҳнат воситалари, предмет ва усуллар, ижтимоий тузилма ва технологияларни ўзгартиришга қаратилган ҳар қандай ижодий фаолликда намоён бўлади. Ҳар қандай инновациянинг заминиде инсоннинг ижодий фаолияти ётади. Ижодий фаолиятни тафаккур ва ҳаёт тарзини ўзлаштиришга олиб келадиган инновацион фаолият даражасига кўтарилиши инновацияга бўлган субъектив (мотив, эҳтиёж) ва объектив омилларнинг мавжудлигини тақозо этади” [3; 137-б.] дейилади.

Мактабгача таълим самарадорлигини таъминлашда педагог-тарбиячилардан ҳар томонлама чуқур педагогик-психологик тайёргарлик, ҳар бир тарбияланувчининг ўзига хос жиҳатлари ҳақида аниқ маълумотга эга бўлиш талаб этилади. Жумладан, ҳар бир педагог-тарбиячи ўзининг шахсий режасини тузишда куйидаги талабларга риоя қилиши лозимлиги ҳақида талабаларда зарур кўникмалар ва тасаввурлар ҳосил қилиниши керак:

- вужудга келадиган педагогик муаммоларни башорат қила олиши; бунинг учун бўлажак педагог-тарбиячи педагогик жараёнда вужудга келадиган

муаммоларни олдиндан кўра билиш ва уни бартараф этиш лаёқатига эга бўлиши лозим.

- вужудга келадиган муаммоларни бартараф этиш методларини ўзлаштириши;
- бўлажак педагог-тарбиячи вужудга келган муаммоларни бартараф этишнинг энг қулай усулларини танлай ва қўллай олиши;
- тарбияланувчиларга педагогик таъсир кўрсатиш, уларни қўллаб-қувватлаш маҳоратига эга бўлиши;
- ҳар бир тарбияланувчига индивидуал ёндаша олиши;
- тарбияланувчилар билан оммавий тадбирларни ташкил эта олиш кўникмасини эгаллаши;

- тарбияланувчиларни китобхонлик, китобсеварликка ундай олиши кабилар. Бўлажак педагог-тарбиячи касбий маҳорати болаларни жадал ривожлантириш, мактаб таълимига самарали тайёрлаш имконини беради. Педагог-тарбиячиларнинг фаолиятини педагогик, психологик, ташкилий-методик жиҳатдан ўрганиш натижалари шуни кўрсатдики, тарбияланувчиларнинг ўқув фаолияти самарадорлигини оширишда педагог-тарбиячининг шахсий сифатлари ва унинг касбий тайёргарлиги катта аҳамият касб этади. Шунга кўра, педагог-тарбиячининг касбий маҳоратга эга бўлиши, билимдонлиги ва креативлиги тарбияланувчиларда онгли фаоллик ҳамда мустақилликни таркиб топтиришнинг асосий омили ҳисобланади.

Педагогик амалиёт даврида бўлажак педагог-тарбиячининг мактабгача таълим муассасасида амалга оширадиган ишлари уларда касбий маҳоратни шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади. Педагогик амалиёт даврида бўлажак педагог-тарбиячиларда ўз касбига мойиллик, педагогик фаолиятга ижодий ёндашиш, ўзи эгаллаган замонавий билимларни амалий тажрибасида қўллаш, раҳбарлик кўникмаларини эгаллаш, тарбияланувчи шахсини педагогик-психологик жиҳатдан ўрганиш, талил қилиш, маданий-оммавий тадбирларни ташкил этиш методларини ўзлаштириш каби кўникмалар фаоллашади ҳамда мустаҳкамланади. Буларнинг барчаси талабаларни тарбиячилик фаолиятига тайёрлайди. Шу билан бир қаторда бўлажак педагог-тарбиячилар ўз касбий фаолиятлари давомида амал қиладиган бир қатор қоидаларни ҳам ўзлаштиришлари керак. Улар:

- тарбияланувчиларда онгли интизомни таркиб топтириш;
- болаларга нисбатан адолатли муносабатда бўлиш;
- гуруҳдаги фаол тарбияланувчиларни қўллаб-қувватлаш ва уларга ёрдам кўрсатиш;
- тарбияланувчиларнинг мустақил фаолиятларини муносиб рағбатлантириш;
- тарбияланувчилар билан топшириқлар устида тизимли ишлаш ва бу жараёнда уларни фаоллаштириш;
- гуруҳ тарбияланувчилари орасида тарбиявий тадбирларни тизимли тарзда ташкил этиш кабилар.

Шу билан бир қаторда бўлажак мактабгача таълим мутахассисларини инновацион касбий фаолиятга тайёрлашда маърузалар, амалий ва лаборатория машғулоти давомида диалогга киришиш, фанга оид янги маълумотлар устида ишлаш, мустақил билим олиш, манбалар устида ишлаш ҳамда ўрганган тажрибаларини таҳлил қилиш муҳим ўрин эгаллайди.

Мактабгача таълим муассасаларида гуруҳ фаолиятига раҳбарлик қилиш ўзига хос хусусиятларга эга. Педагог-тарбиячилар болаларда атроф-муҳит, табиат, нутқ ва ҳисоблашга оид дастлабки кўникмаларни ҳосил қилиш билан бир қаторда уларни комплекс ривожлантиришга хизмат қиладиган миллий урф-одатларимизни ҳам сингдирадilar. Улар болаларда жуда ёшлиқдан бошлаб, ҳақгўйлик, бағрикенглик, бирдамлик, ўзаро ёрдам каби сифатларни

шакллантиришга интиладилар.

Бўлажак мактабгача таълим муассасаси педагог-тарбиячилари ижтимоий-сиёсий воқеликни мунтазам кузатиб боришлари, унга ўз муносабатларини билдиришлари алоҳида аҳамиятга эга. Талабалар бугунги кунда рўй бераётган воқеалар, ахборотлар оқимининг жадаллашувига онги муносабатда бўлиш тажрибасини эгаллашлари керак. Уларда ахборотларни саралаш, воқеа-ҳодисаларга объектив муносабатда бўлиш кўникмаларининг ҳосил бўлиши ниҳоятда муҳим. Бўлажак мактабгача таълим муассасаси педагог-тарбиячилари кундалик ижтимоий-сиёсий воқеликларни таҳлил қилиш асосида уларни муносиб баҳолаш, шу асосда атрофдагиларнинг хатти-ҳаракатларига танқидий муносабатда бўлишлари лозим.

Бўлажак мактабгача таълим муассасаси педагог-тарбиячиларининг касбий маҳоратларини ҳосил қилишда таълим-тарбиянинг ижтимоий ҳаёт билан уйғунлигини таъминлаш принципига қатъий амал қилиш керак. Шу асосда бўлажак педагог-тарбиячиларнинг тарбиявий ишларнинг мазмуни, шакллари, воситалари ва методларини ўзлаштиришларига эришилади. Бўлажак педагог-тарбиячилар болаларни ижтимоий фаолиятга жалб этиш методларини ҳам эгаллашлари лозим. Буларнинг барчаси тарбияланувчиларда маънавий хислатларни таркиб топтириш учун асос бўлиб хизмат қилади [4; 93-б.].

Мактабгача таълим муассасаси педагог-тарбиячилар болаларда ижобий хислатларни таркиб топтириш билан бир қаторда, улар хулқ-атворидаги салбий хусусиятларнинг олдини олиш, уларни бартараф қилиш тажрибасига ҳам эга бўлишлари керак. Кўпинча мактабгача таълим муассасасига янги келган болаларда тортинчоқлик, инжиқлик, гуруҳ ҳаётига мослашмаслик каби ҳолатлар кузатилади. Бундай ҳолатларни бартараф этиш, болаларни жамоа ҳаётига мослаштириш, уларни мулоқот вазиятларига олиб кириш, руҳий осойишаликларини таъминлаш педагог-тарбиячиларнинг муҳим вазифалари сирасига киради. Болалар характеридаги салбий жиҳатларни бартараф қилишга кўмаклашиш, уларни тўғрилиқ ва ҳақгўйликка ўргатиш, иродасини мустаҳкамлаш педагог-тарбиячиларнинг муҳим вазифаларидандир. Бунда педагог-тарбиячилар жамоавий таъсир кўрсатиш методидан фойдаланишлари керак. Педагог-тарбиячилар болаларни теварак-атрофдаги воқелик билан таништириш, уларни шу жараёнда иштирок этишлари учун тайёрлаши керак.

Болалар олдига аниқ, ўртача мураккабликдаги вазифалар қўйилгандагина, уларда ташаббускорлик, қизиқувчанлик, фаоллик кўрсатиш истаги намоён бўлади. Натижада болада масъулият ҳисси пайдо бўлади, тарбиячи томонидан билдирилган ишончни оқлашга интилади. Болаларнинг ўз олдларига қўйилган топшириқларни бажара олишлари уларнинг хулқ-атворлари тартибга солинишига кўмаклашади. Бунинг натижасида уларда характер, иродавий хислатлар мустаҳкамланади.

Болалар хулқ-атворидаги ижобий жиҳатларга таяниш орқали педагог-тарбиячи уларни рағбатлантириб, камчиликларини бартараф этишга эришади. Бироқ боланинг камчиликларни мунтазам таъкидлайвериш ижобий натижа бермаслигини бўлажак педагог-тарбиячилар онгига етказиш лозим.

Болаларнинг хулқ-атворини шакллантириш учун педагог-тарбиячи меҳрибон ва талабчан бўлиши керак. Бола хулқ-атворидаги тортинчоқлик, лоқайдлик, ўйинқароқлик, қайсарлик кабиларни педагог-тарбиячилар ота-оналар билан яқиндан ҳамкорлик қилишлари талаб этилади.

Мактабгача таълим муассасалари таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш ва бошқаришда ота-оналар ҳамда маҳалла билан ҳамкорликни амалга ошириш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Болаларда меҳнатсеварлик, синчковлик, зийраклик, ишчанлик, масъулиятлилик каби ахлоқий сифатларни қарор топтиришда педагог-тарбиячининг ўрни беқиёс бўлиб, бундай масъулиятли вазифани улар

олий педагогик таълим муассасаларида ўқиш жараёнидаёқ англаб етишлари керак.

Кўриниб турибдики, мактабгача таълим, унда фаолият кўрсатаётган педагог-тарбиячилар олдида қўйиладиган вазифалар мураккаб ва кўп қирралидир. Шунинг учун ҳам бўлажак педагог-тарбиячиларда илмий дунёқараш асослари, юксак маънавий хислатлар, жамоа, жамиятда ўзини тута билиш кўникма ва одатларини таркиб топтириш соҳасида тизимли тарзда иш олиб бориш талаб этилади.

Фойдаланилган манбалар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

2. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлигининг 2018 йил 7 июлдаги 4-сонли ҳайъат йиғилиши қарори билан тасдиқланган мактабгача таълим муассасалари учун “Илк қадам” давлат ўқув дастури.

3. Педагогика: энциклопедия. 2 – жилд./ тузувчилар: Жамоа.- Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат илмий нашриёти. 2015, 368 б.

4. “Мактабгача таълим муассасаларида таълим жараёнининг сифати ва самарадорлигини такомиллаштириш: муаммо ва ечимлар” мавзусидаги республика илмий-амалий конференцияси материаллари. Т.: ЎзПФИТИ. LESSON PRESS. 2017 йил 15 сентябрь. 168 бет.